

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ №DSc. 03/30.12.2019.I.03.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВ ҒАНИЖОН ҒАЙРАТОВИЧ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ АСОСИДА  
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ  
(«Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамияти мисолида)**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Ибрагимов Ганижон Гайратович**

Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш асосида иқтисодий  
самарадорликни ошириш («Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик  
жамияти мисолида).....3

**Ибрагимов Ганижон Гайратович**

Повышение экономической эффективности на основе трансформации  
пищевой промышленности (На примере акционерного общества «Когон ёг  
экстракция заводи»).....25

**Ibragimov Ganijon Gayratovich**

Increasing economic efficiency based on the transformation of the food industry (On  
the example of the joint stock company («Когон ёғ экстракция заводи»).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ №DSc. 03/30.12.2019.I.03.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВ ҒАНИЖОН ҒАЙРАТОВИЧ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ АСОСИДА  
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ  
(«Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамияти мисолида)**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt881 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Расулов Саидаббос Асаметдинович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Тилляходжаев Музаффарходжа Абдулаттахович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 2-уй. Тел.:(+99 871) 246-46-00; факс: (+99 871) 246-46-00; e-mail:tstu\_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 2-уй. Тел.: (+99871)246-46-00; факс(+99871) 246-46-00; e-mail: tstu\_info@tdtu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.М. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**Г.Ж. Аллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.д., доцент

**М.А. Маҳкамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни трансформациялаш ва улар фаолиятини такомиллаштиришда экологик ва инновацион ривожлантириш талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Иқтисодий фаол аҳолининг 60 фоизи ўтиш даври иқтисодиёти бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаши, ривожланган давлатларда билимларни янги комбинациясидан фойдаланиш имконияти орқали ишлаб чиқаришда бандлиги билан ифодаланади. Бу эса меҳнат натижадорлиги ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши, трансформация жараёнлари ва ишчиларнинг даромадлари ошишига катта таъсир кўрсатади»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, бугунги кун мураккаб таъминот занжирларига боғлиқ озиқ-овқат саноатини трансформациялаш негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Дунёда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда экологик ва инновацион талабларга мувофиқ ҳолда соҳани трансформациялаш, унинг самарадорлигини ошириш, шу билан бир қаторда ижтимоий самарани оширишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соҳанинг асосий хомашё базаси бўлган қишлоқ хўжалигини саноат ишлаб чиқариш билан уйғун ҳолда ривожлантириш, маҳсулот сифатини «ишлаб чиқариш - хизмат кўрсатиш - жараёнга оид бошқа объектлар» доирасида яхлит жараён сифатида амалга ошириш ҳамда ички сифат назоратини ташкилий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш каби йўналишларда илмий изланишлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг турларини кенгайтириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш юзасидан кенг кўламдаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Мамлакатимизда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш» устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланди. Бу борада озиқ-овқат саноатини трансформациялаш, бозор талабларига мувофиқ ҳолда унинг самарадорлигини ошириш, бозор механизмига кўра бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини амалга оширишда, жумладан давлат активларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга қўшимча инвестиция ва янги технологияларни киритишда бозор рақобатига мувофиқ меҳнат натижадорлигини таъминлаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Industrial Development Report 2016. Sustaining Employment Growth: The Role of Manufacturing and Structural Change. Vienna, Austria. 2013. <http://www.unido.org>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2017 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5120-сон, 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон Фармонлари, 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озик-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сон, 2020 йил 9 сентябрдаги «Республика озик-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4821-сон, 2020 йил 18 мартдаги «Аграр ва озик-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4643-сон, 2021 йил 22 декабрдаги «Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-58-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги «2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 166-сон қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Озик-овқат саноатини трансформациялаш ва самарадорлигини ошириш масалалари хорижий олимлардан Р.Коуз, Дж. Ходжсон, Э.Барбер, А.Lavora, К.Ding, Н.Chang, Дж.Гибсон, Т.Berry, В. Лapidус ва бошқаларнинг<sup>2</sup> илмий ишларида ёритиб берилган.

МДХ мамлакатларининг олимларидан А.Олейник, О.Сухарев, В.Нечаева, Н.Бурмистров, Т.Анопченко, М.Шашнов, Н.Садекова, А.Межевов,

---

<sup>2</sup> Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело ЛТД, 1993. 8-9 б., Ходжсон Дж. Экономическая теория и институты: Манифест современной институциональной экономической теории. М.: Дело, 2003. -464 стр., Conway G., Barber E. After the Green Revolution. Sustainable Agriculture for Development.-London. 1990 – 60 p., Lavora A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series, 2012-081. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology; Ding K., Jiang P., Zheng M. Environmental and economic sustainability - aware resource service scheduling for industrial product service systems. Journal of intelligent manufacturing, aug.2017; Chang H.J., Lin J. Should Industrial Policy in Developing Countries conform Comparative Advantage or Defy it? A debate between Justin Lin and Ha-Joon Chang // Development Policy Review, 2009. No. 27(5), 28; Гибсон Дж. и др. Организации: поведение, структура, процессы. / Дж. Гибсон, Д. М. Иванцевич, Д. Х. Донелли. - М., 2004. С.28, Berry T. The Plan-as-You-Go Business Plan. Entrepreneur Press, – 2008; Лapidус В.А. Всеобщее качество (TQM) в компаниях. М.: Новости, 2000.С.303.

И.Радионова ва бошқаларнинг<sup>3</sup> асарлари ҳамда илмий ишларида мазкур тадқиқот йўналишига доир масалалар атрофлича ўрганилган.

Озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини ошириш ва тармоқда трансформациялаш жараёнларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг айрим жиҳатлари мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчиларидан С.Ғуломов, Б.Беркинов, А.Ишмухамедов, А.Ортиқов, Э.Махмудов, А.Юсупов, А.Қодиров, Н.Махмудов, М.Турсунходжаев, С.Туробжонов, Н.Зиявитдинова<sup>4</sup> ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилганган.

Бироқ юқорида келтирилган илмий тадқиқот ишларида республика озиқ-овқат саноати самарадорлигини оширишда трансформация жараёнларини қўллаш билан боғлиқ ҳолат алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда республика озиқ-овқат саноати ривожланишининг, трансформация ва самарадорликни оширишнинг ҳозирги хусусиятлари эътиборга олинган бўлиб, бу танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-154 «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

---

<sup>3</sup> Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008 г., Аузана А.А. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: учебник. – М.: ИНФРА. – 2006. – 416 с., В.И. Нечаева. Концепция развития пищевой и перерабатывающей промышленности Российской Федерации на период до 2020 года – Краснодар: Просвещение-Юг, 2011. – 306 с, Бурмистров Н.А. Формирование модернизационной стратегии развития предприятий пищевой промышленности: автореф. дис. канд. экон. наук. – Саратов, 2011.; Анопченко Т.Ю., Новицкая А.И. Динамика и тенденции развития пищевой промышленности в современных условиях России [электронный ресурс]: <https://cyberleninka.ru/article/n/dinamika-i-tendentsii-razvitiya-pischevoyu-promyshlennosti-v-ovremennyh-usloviyah-rossii>; Садекова Н.К. Развитие пищевой промышленности России в условиях импортозамещения [электронный ресурс]: <https://creativeconomy.ru/lib/35798>, Межевов А.Д. Современные тенденции развития отечественной пищевой промышленности. // Экономические науки № 5. 2016 г., Радионова И.А. Мировая промышленность: структурные сдвиги и тенденции развития. Монография. – М.: ГОУВПОМГУЛ, 2009.

<sup>4</sup> Гулямов С.С. и др. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. //Т.:Ўқитувчи, 1995; Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Дарслик. 3-нашр, қайта ишланган.– Т.:Иқтисодиёт, 2018.– 226 б., Ишмухамедов А.Э. Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари. Ўқув кулланма -Т.: ТДИУ, 2004.-160 б., Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. //Т.:Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004; Махмудов Э.Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещение, приоритетные направления развития. -Т.: Иқтисодиёт, 2013; Юсупов А.Т. Развитие и размещение производства товаров народного потребления в Узбекистане. - Т.: Мехнат, 1991; Қодиров А.М. ва бошқ. Хўжалик юришининг янги шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. //Т.:ТДИУ, 1995; Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. - Т.: Иқтисодиёт, 2017., Турсунходжаев М.Л. Корхоналарда ишлаб чиқариш ва режалаштириш. – Дарслик.Т.: Ўзбекистон, 2017.–8 б., Туробжонов С.М ва бошқалар. «Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истикболлари; муаммолари» – Т.:»Фан ва технология», 2014, 410 б, Зиявитдинова Н.М. «Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш» (Бухоро вилояти мисолида) иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.

**Тадқиқотнинг мақсади** озиқ-овқат саноатини трансформациялаш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

миллий иқтисодиётни ривожлантиришда озиқ-овқат саноатининг тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати тармоғининг ривожланишини ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

озиқ-овқат саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш масалаларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

республика озиқ-овқат саноатида трансформациялаш жараёнларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати ривожланиши тенденцияларининг прогнозларини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида озиқ-овқат саноати тизимидаги «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** озиқ-овқат саноатини трансформациялаш ва иқтисодий самарадорликни ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, таркибий ва қиёсий таҳлил, илмий умумлаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш, эмпирик ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятини бозор механизмларига кўра бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини амалга оширишда, жумладан давлат акция пакетлари улушини ишончли бошқарувга бериш, ички аудит хизматини ташкил этиш ва «уч ҳимоя чизиғи» ёндашуви кабиларга асосланган ҳолда 2022-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар асослаб берилган;

озиқ-овқат саноатини трансформациялаш жараёнида ишлаб чиқаришга қўшимча инвестициялар ва янги технологияларни киритишда бозор рақобатига мувофиқ меҳнат натижадорлигини эътиборга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2026 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

андоза олиш ва умумий сифат назорати бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятининг сифат ва назорат тизимида хомашё сифатини назорат қилишга устуворлик беришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

озиқ-овқат саноати корхоналари, хусусан «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятини трансформациялаш самарадорлигини ошириш, жумладан акцияларнинг давлат улушини сотиш вақтини оптималлаштириш асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

озик-овқат саноати корхоналарини трансформация жараёнларида вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

озик-овқат саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

озик-овқат саноати корхоналарида сифатдан андоза олиш ва умумий сифат назоратини жорий қилиш тадбирлари амалга оширилган;

республика озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиниб, тармоқни мутаносиб ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги, уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг турли статистик усуллар ёрдамида баҳоланганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналишлар ва дастурларга мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, озиқ-овқат саноатини трансформациялаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлардан соҳани самарали ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш, соҳани ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича самарали ёндашувларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг озиқ-овқат саноати корхоналари амалий фаолиятида жорий қилингани, ишлаб чиқилган чора-тадбирлардан соҳани ривожлантириш бўйича дастурлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда олий таълим ўқув дастурларига мувофиқ тегишли ўқув адабиётларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятини бозор механизмига кўра бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини амалга оширишда, жумладан давлат акция пакетлари улушини ишончли бошқарувга бериш, ички аудит хизматини ташкил этиш ва «уч ҳимоя чизиғи» ёндашуви кабиларга асосланган ҳолда 2022-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 04/024-5086-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятини ривожлантириш стратегияси доирасида белгиланган тадбирлар самарали амалга оширилишига хизмат қилган;

озик-овқат саноатини трансформациялаш жараёнида ишлаб чиқаришга қўшимча инвестициялар ва янги технологияларни киритишда бозор рақобатига мувофиқ меҳнат натижадорлигини эътиборга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2026 йилгача прогноз кўсаткичлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги озиқ-овқат корхоналари фаолиятига қабул қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 04/024-5086-сон маълумотномаси). Прогноз кўрсаткичлар бўйича таклифлар озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини бозор рақобатига мувофиқ ҳолда ошириш ва жараёнларни самарали назорат қилиш имконини берган;

андоза олиш ва умумий сифат назорати бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятининг сифат ва назорат тизимида хомашё сифатини назорат қилишга устуворлик беришнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш бўйича таклиф Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги озиқ-овқат корхоналари фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги №04/024-5086 сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши «Когон ёғ экстракция заводи» ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдалинишнинг қўшимча имкоятларини яратишга хизмат қилган;

озик-овқат саноати корхоналари, хусусан «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятини трансформациялаш самарадорлигини ошириш, жумладан акцияларнинг давлат улушини сотиш вақтини оптималлаштириш бўйича таклиф Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги озиқ-овқат корхоналари фаолияти амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 04/024-5086-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятида трансформациялаш жараёнларини амалга ошириш тадбирлари ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, шундан 3 та маҳаллий журналларда, 3 та халқаро журналларда мақола, 8 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 144 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш ва иқтисодий самарадорликни оширишнинг илмий назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва унинг республика саноатида тутган ўрни, озиқ-овқат саноатини трансформациялаш жараёнларининг мазмуни ҳамда уни амалга ошириш йўналишлари, иқтисодий самарадорлик ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарида уни ҳисоблаш услубиёти илмий-назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Озиқ-овқат саноати Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг энг йирик, анъанавий тармоқларидан бири ҳисобланади ва мазкур тармоқ миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун алоҳида аҳамият касб этади. Озиқ-овқат саноатининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти унинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариши билан изоҳланади. Озиқ-овқат саноати умумий саноатнинг маълум бир таркибий қисми бўлиб, бир томондан иқтисодиётнинг энг асосий тармоқларидан бири ҳисобланса, иккинчи томондан агросаноат мажмуининг тугалловчи бўғини ва асосини ташкил этади. Озиқ-овқат саноати тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган қирқдан ортиқ алоҳида соҳаларни ўз ичига олади.

Диссертация ишида озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги хорижлик ва маҳаллий олимларнинг турли фикрлари келтирилган бўлиб, тармоқнинг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Улардан умумий хулоса чиқарилган ҳолда озиқ-овқат саноати – иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқлардан бири бўлиб, у бир томондан инсонлар турмуш кечиришлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан характерланса, бошқа томондан ишлаб чиқарувчи саноатнинг бир қисми сифатида аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш манбаи сифатида муаллифлик ёндашуви берилган.

Озиқ-овқат саноати корхоналари таркиби жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, маълум бир хом ашёдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу саноат мажмуига тегишли жараёнларни, тайёрланган маҳсулотларнинг таркибий жиҳатдан бир-бирига ўхшашлигини эътиборга олган ҳолда озиқ-овқат саноати таркибий қисмининг тузилишини кичик тизимларга бўлиб ўрганилади.

Озиқ-овқат саноати тармоғининг олдида турган долзарб вазифаларидан бири тармоқда трансформациялаш жараёнларини амалга ошириш орқали корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот ишида трансформация жараёнлари илмий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, унга кўра трансформация сўзи латинча *Transformatio* – ўзгартириш, қайта ташкил этиш бўлиб:

1) таркиб, шакл ва услубларни қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш;

2) алмаштириш усулларидан бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади.<sup>5</sup>

Трансформация бўйича тажриба босқичма-босқич шаклланиб боради ва натижада йилдан-йилга трансформация жараёнларининг чуқурлашиб бориши корхоналар тез суръатлар билан ривожланишини таъминлайди ҳамда ижтимоий соҳа билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Озиқ-овқат саноати корхоналарида қўллаш мумкин бўлган трансформация турлари ва уларнинг мазмуни 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Озиқ-овқат саноати корхоналарида қўлланиладиган трансформация турлари ва уларнинг мазмуни<sup>6</sup>

Трансформация турлари	Мазмуни
<b>технологик трансформация</b>	маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни, шу жумладан органик синтез ва нанотехнологиялар орқали ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш. Бунда, қайта ишланмаган хом ашё ресурсларини мамлакат ҳудудида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш орқали уларни хом ашё сифатида экспорт қилинишини босқичма-босқич қисқартириш
<b>хўжалик муносабатлари тизими трансформацияси</b>	қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан озиқ-овқат саноати корхоналари ўртасидаги муносабатлар соҳасида давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа-тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш
<b>мулкӣ муносабатлар тизими трансформацияси</b>	соҳада янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали корхоналарда давлат улушини кескин камайтириш ва озиқ-овқат саноати корхоналарини хусусийлаштириш, шунингдек, корхоналар фаолиятига давлат ҳокимияти органлари аралашувининг олдини олиш
<b>рақамли трансформация</b>	молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий рақамли технологиялар билан ишловчи дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш
<b>илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар трансформацияси</b>	инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш
<b>кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси</b>	соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш

<sup>5</sup> [http://www.dic.academic.ru/dic.nsf/\\_economic\\_law/16427/Трансформация](http://www.dic.academic.ru/dic.nsf/_economic_law/16427/Трансформация).

<sup>6</sup> Мулликф томонидан тизимлаштирилган.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарида трансформация жараёнларини амалга оширишда мулкӣ муносабатлар тизими трансформацияси, рақамли трансформация, технологик трансформация, хўжалик муносабатлари тизими трансформацияси каби трансформациялаш турларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, озиқ-овқат саноатини трансформациялаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали тармоқни янада модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат саноати тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, янги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш, ички ва ташқи бозорда миллий озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ислоҳотларнинг муҳим устувор вазифалари ҳисобланади.

Тадқиқот ишида озиқ-овқат саноатида трансформация жараёнларини амалга оширишда, хусусан, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда асосан хусусий, шу жумладан хорижий инвесторлар ва технологик шерикларни жалб қилишни назарда тутувчи «Озиқ-овқат саноатида технологик кластерларни яратиш бўйича очиқ ҳамкорлик дастури»ни ишлаб чиқиш асослаб берилган.

Диссертация ишида озиқ-овқат саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишнинг илмий ва услубий асослари кенг ёритилган. Самарадорлик – бу харажат ва натижавий кўрсаткич орасидаги боғланиш, яъни саноат корхонасининг фойдалилигидир. Иқтисодий самарадорлик ва уларни ҳисоблаш услулари бўйича кўплаб иқтисодчилар томонидан илмий қарашлар билдирилган бўлиб, уларга асосланган ҳолда муаллиф иқтисодий самарадорлик натижавийликни ифодаловчи асосий кўрсаткич деб ҳисоблашни асослаган ва уни турли омиллар орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган. Шу сабабли, озиқ-овқат саноатини трансформациялаш жараёнлари иқтисодий самарадорликни оширишнинг муҳим омили сифатида тадқиқ қилинган.


Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноатида трансформация жараёнлари ва иқтисодий самарадорликнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати ривожланишининг асосий тенденциялари, озиқ-овқат саноати корхоналарида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили, озиқ-овқат саноатидаги таркибий ўзгаришлар жараёнларини баҳолаш масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг асосий мақсади нафақат мазкур тармоқда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат. Стратегик йўналиш ҳисобланган озиқ-

овқат саноатининг янги таркибини вужудга келтириш ва экспортда хом-ашёга нисбатан тайёр маҳсулотларнинг улушини ошириш бугунги кунда мазкур тармоқнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 13,9 % ни, унинг физик ҳажм индекси 10,9 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,9 % ни ташкил этган, 2019 йилга нисбатан физик ҳажм индекси 8,7 % га ошган ва ишлаб чиқариш ҳажми 42 388,2 млрд. сўмни ташкил этган. Мамлакат ҳудудлари кесимида 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳри (21,7%), Тошкент (16,4 %), Самарқанд (10,5%), Қашқадарё (6,5%) ва Фарғона (7,4 %) вилоятларида қайд этилган. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг кам улуш Жиззах (2,0 %), Сурхондарё (2,5 %), Сирдарё (3,0 %) ва Навоий (3,6%) вилоятларида қайд этилган. Умуман, охириги йилларда Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида ижобий ўзгаришлар кузатилган.


Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати тармоғининг 2010-2020 йиллардаги ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси (млрд.сўмда)<sup>7</sup>**

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диссертацияда 2010-2020 йиллар оралиғида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,01-29,28 фоиз оралиғида турлича ўзгариш тенденциясига эга бўлган. Ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш улушининг энг қуйи кўрсаткичи 2019 йилда (мазкур таркибдаги улуши 13,01 фоиз) ташкил этган бўлса, 2016 йилда мазкур таркибда энг юқори кўрсаткич 29,28 фоизни ташкил этган. Айниқса, охириги 3 йилда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш улушининг олдинги йилларга нисбатан камайиши кузатилган (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида асосий озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши (фоизда)<sup>8</sup>**

Корхоналар олдида турувчи асосий вазифалардан бири доимий равишда иқтисодий самарадорликни ошириш бўлиб, у бир томондан харажатлар ёки ресурслар сарфи суръатларининг пасайиши билан, иккинчи томондан эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда миқдори ўсиши билан аниқланади.

Диссертация ишида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш жараёнлари «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамияти мисолида амалга оширилган ва корхонада иқтисодий самарадорликни ифодаловчи умумий кўрсаткичлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, корхонада меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи юқори суръатда ўсгани ҳолда фонд самараси ва материал қайтими паст суръатларда ўсган. Бу, корхонада асосий фондлар ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини билдиради.

<sup>8</sup> Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

## 2-жадвал

«Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятида иқтисодий самарадорликни ифодаловчи умумий кўрсаткичлари таҳлили<sup>9</sup>

Кўрсаткичлар номи ва ўлчов бирлиги	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 й. 2016 й.га нисб-н %
<b>Маҳсулот ҳажми, млн. сўм</b>	108124,3	110286,8	112449,3	114661,7	116772,2	107,9
<b>Ишловчилар сони, киши</b>	550	543	532	519	495	90,0
Меҳнат унумдорлиги	196590	203106	211371	220928	235903	119,9
Меҳнат сиғими	0,508	0,492	0,473	0,452	0,424	83,4
<b>Асосий фондлар қиймати, млн. сўм</b>	13391,7	13458,6	13525,9	13593,5	13661,5	102,1
Фонд самараси	8,073	8,193	8,314	8,438	8,541	105,8
Фонд сиғими	0,124	0,122	0,120	0,118	0,117	94,3
<b>Моддий харажатлар, млн. сўм</b>	90440,7	91884,9	93329,0	94676,8	96024,7	106,2
Материал қайтими	1,195	1,201	1,205	1,211	1,216	101,8
Материал сиғими	0,836	0,833	0,829	0,825	0,822	98,3

Диссертация ишида «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамияти фаолиятини бозор механизмларига кўра бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини амалга оширишда, жумладан давлат акциялари пекетини ишончли бошқарувга бериш, ички аудит хизматини ташкил этиш ҳамда «уч ҳимоя чизиғи» модели каби ёндашувларни жорий этиш асослаб берилган. «Уч ҳимоя чизиғи» модели 3-расмда келтирилган.

Тадқиқот ишида озиқ-овқат саноати корхоналарини трансформациялаш жараёнида жавобгарлик соҳаларини аниқлаш мақсадида «ҳимоя харитаси» таклиф этилган. «Ҳимоя харитаси» озиқ-овқат саноати корхоналаридаги рисклар ва бизнес жараёнларнинг назорат қилинишини акс эттирувчи ҳужжат бўлиб, у турли назорат функцияларини амалга оширадиган таркибий бўлинмалар ишини янада яхшироқ мувофиқлаштириш имконини тақдим этади.

Ҳимоя харитаси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

корхона рискларининг рўйхати;

корхона бизнес жараёнларининг рўйхати;

риск эгалари (ташкilotда рискларни бошқариш учун масъул бўлган ходимлар);

ҳар бир хавфга нисбатан мониторинг/баҳолашни амалга оширувчи ички назорат тизими субъектлари.

<sup>9</sup> «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамиятининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.



**3-расм. Уч ҳимоя чизиғи модели<sup>10</sup>**

Тадқиқот ишида давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятига жорий этиш вариантлари таклиф этилган. Давлат улуши бўлган озиқ-овқат саноати корхоналарини трансформация қилиш вариантлари ва улар олиб келиши мумкин бўлган натижалар 4-расмда келтирилган.



**4-расм. Озиқ-овқат саноати корхоналарини трансформация қилиш вариантлари ва улар олиб келиши мумкин бўлган натижалар <sup>11</sup>**

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертацияда «Когон ёғ экстракция заводи» акциядорлик жамияти фаолиятига бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш орқали қуйидаги натижаларга эришилиши асослаб берилган:

корхонани трансформация қилиш жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилган;

корхона фаолиятига давлат иштирокини кескин қисқартириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

корхона фаолиятини тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш чора-тадбирлари амалга оширилган;

корхонада корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш механизмлари шакллантирилган;

корхона фаолиятида шаффофликни таъминлаш ва маълумотни ошкор қилиш тизими йўлга қўйилган.

Диссертация ишининг «**Озиқ-овқат саноатини трансформациялаш ва унинг самарадорлигини ошириш жараёнларини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган учинчи бобида озиқ-овқат саноати корхоналарида самарадорликни ошириш ва трансформация жараёнлари самарадорлигини таъминлаш йўллари, озиқ-овқат саноатида трансформация дастури ва стратегиясини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари, Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш каби илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

Озиқ-овқат саноати корхоналари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири сифатдан андоза олиш ҳисобланади. Сифатдан андоза олиш рақобатчи ва рақобатчи бўлмаган корхоналарнинг энг муваффақиятли фаолиятини корхонанинг фаолиятига жорий этишни билдиради. Андоза олиш жараёни тўрт босқичда амалга оширилиб, улар 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Андоза олиш жараёни босқичлари<sup>12</sup>

Босқичлар	Мазмуни
<b>1-босқич</b>	Корхонада сифатдан андоза олиш ишчи гуруҳи ташкил этилади. Ишчи гуруҳ томонидан сифатдан андоза олишнинг мақсадларини белгиланади, ўрганилиши лозим бўлган корхоналар рўйхати ҳамда маълумотларни йиғиш усули аниқланади;
<b>2-босқич</b>	Ишчи гуруҳ томонидан корхонанинг ички жараёнлар тўғрисидаги ва бошқа ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлари йиғилади
<b>3-босқич</b>	Жараёнлар ёки маҳсулотлардаги тафовутлар ҳамда уларнинг сабабини аниқлаш учун йиғилган маълумотлар таҳлил қилинади
<b>4-босқич</b>	Бошқа корхоналарнинг юқори даражадаги стандартларга жавоб берадиган жараён ёки маҳсулотларини ўзлаштириш жараёни амалга оширилади


Озиқ-овқат саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишларидан яна бири умумий сифат назорати ҳисобланади. Бугунги кунда умумий сифат назоратини рақобат устуворлигини таъминлаш учун

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

восита сифатида қўллайдиган корхоналар кундан-кунга ошиб бормоқда. Умумий сифат назоратини амалга оширишнинг асосий мақсади маҳсулот сифатини ошириш ва унинг узлуксиз давом эттириш бўлиб, у истеъмолчиларни сифатга бўлган талабини қондириш орқали ўзини рақобатчилардан фарқлаш ва доимий мижозлар базасини яратиш, бу базани сақлаб қолиш имконини беради.

